

ТУРКИЙ ТИЛ ТАРИХИДА АЁЛЛАРГА ДОИР ТЕРМИНЛАР: МАҲМУД
КОШҒАРИЙ АСАРЛАРИ АСОСИДА

Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович

*Ориентал университети в.б. профессори, филология фанлари доктори,
rixsitilla@gmail.com*

Рахматова Гавҳар Омоновна

PhD, доцент, Шарқ тиллари кафедраси мудири

Аннотация: Қадимги туркий тил бойлиги унда яратилган асарларнинг кўплиги ҳамда улардаги сўз бойлиги билан ўлчанади. Алишер Навоийнинг ўзбек тилида кўп ва хўп асар ёзгани кўплаб мутахассислар томонидан тан олинган. Қадимги туркий тил мнбаси бўлган Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати-т-турк” асарида аёлларни англатувчи кўплаб сўзлар келтирилган. Уларни ўрганиш тил тарихимиз учун аҳамиятли саналади. Мазкур мақолада ана шу асарда қўлланган аёлларни англатувчи лексика таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: лексика, Маҳмуд Кошғарий, “Девону луғати-т-турк”, аёлларни англатувчи қадимги лексика.

Кириш

Тилнинг бойлигини унда қўлланадиган сўзлар салмоғи орқали билиш мумкин. Бу борада адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида Алишер Навоийнинг бошқа оширу ёзувчиларга кўра анчайин кўп сўзлардан фойдалангани айтиб ўтилган. Ҳақиқатда ҳам Навоий ўзбек мумтоз адабиёти тарихида бошқа ижодкорлардан фарқли равишда туркийдан ташқари арабий, форсийдан ҳам унумли фойдаланганини билишимиз мумкин. Биз ҳозир кўриб чиқмоқчи бўлган лексика қадимги туркий тил даврида яратилган “Девону луғати-т-турк” асаридаги келтирилган “аёл” маъносини англатувчи сўзлардир. Ушбу сўзларнинг айримлари ҳозирда унут бўлган, баъзилари эса ҳамон қўлланишда давом этмоқда.

Асосий қисм

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида XI асрда қўлланилган турли соҳага оид бўлган сўзлар жамланган. Адиб сўзларни изоҳлар экан, уларни халқ орасида юриб, йиққан тил материаллари орқали далиллайди, уларга мисоллар келтиради. Шу орқали луғатни бойитади. Адиб китобнинг бошланиш қисмида сўзларни луғатга танлаш борасида уйдаги фикрларни ёзиб қолдирган: “Китобда кўрсатилган тоғ отлари, кўл, водий, денгиз отлари фақат мусулмон шаҳарлардаги номлардир. У номлар ҳар вақт қўлланадиган ва машҳур бўлганлари учун ёздим. Машҳур бўлмаганларининг кўпларини тушириб қолдирдим. Мусулмон бўлмаганлардан баъзиларининг шаҳар номларини ҳам ёздим, баъзиларини қолдирдим. Машҳур бўлмаганларини ёзишдан фойда йўқ. Тилга кейин кирган

сўзларни ҳам ёзмадим. Эркак ва аёллар номи ҳам шундай, фақат энг кўп қўлланадиган, одамларга тўғри шакллари билиб олиш зарур бўлган бир қисмигина кўрсатилди (ДЛТ,24)⁸⁸.

Матндан англашиладики, асарда келтирилган сўзлар ўз даврида машҳур бўлган сўзлардир. Машҳур бўлмагани сараланмаган.

Умуман олганда, “Девон”да келтирилган аёлларни англатувчи лексикани ишлатилиш ўрнига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: а) турмуш қургунга қадар берилган номлар; б) турмуш қургандан кейинги номлар; в) касб-кор билан боғлиқ номлар ҳамда г) аёлларнинг бирор ҳислатини (феъл-атворини) англатувчи сўзлар. Қуйида айтиб ўтилган гуруҳларга кирувчи сўзларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Қариндош-уруғчилик атамаларини ўрганган мутахассислар атамаларни икки гуруҳга бўлиб ўрганадилар: турмушга чиккунча бўлган атамалар ҳамда турмуш қургандан сўнг ясалган атамалар. Биринчи гуруҳга қиз, ўғил, ота, она, ака каби лексика киради. Иккинчи гуруҳга эса эр, хотин, қайнона, қайнота, овсин каби лексика киради.

“Девону луғати-т-турк” асарида аёллар билан боғлиқ қуйидаги лексик бирликлар келган:

а) турмуш қургунга қадар берилган номлар:

تی‌شی tîşî (тиши) – ҳар қандай нарсанинг урғочиси.

ک‌شی kîşî (киши) – киши, одам. Бу сўз бирликка ҳам, кўпликка ҳам, эркакка ҳам, аёлга ҳам фарқсиз қўлланаверади.

خ‌شی kîşî (киши) – хотин. Мен буни яғмолар тилида эшитдим; ol kîşî aldîmu? – у хотин олдими? демакдир (ДЛТ,401).

“Киши” сўзи иккинчи мисолда айтилганидек, ҳам эркак, ҳам аёлларга нисбатан қўлланади. Фақат маъноси сал бошқача, масалан “эркак киши”, “аёл киши” дейилганда “киши” сўзи “одам” маъносини англатади. Яъни, “эркак одам”, “аёл одам” маъносида. Қадимги туркий тилли матнларда бундай шакл болалар номларида ҳам кузатилади: qîz oğul (қиз фарзанд), uğî oğul (ўғил фарзанд). Бу ердаги oğul “фарзанд” маъносида.

“Тиши” сўзи ҳозирги кунда эскирган сўз ҳисобланади. Қадимда эса ҳар қандай жонворми ёки одам аёлини англатиш учун қўлланилган. Инсонга қўлланишини Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-хақойиқ” асарида учратишимиз мумкин:

Biliklik biliksiz qaçan tâñ bolur,

Biliklik tişî er, jâhil er tişî (С.87-88)⁸⁹.

Билимли ва билимсиз қачон тенг бўлади!?

Билимлик аёл эр каби (марддир), билимсиз эр тиши (аёл) кабидир.

⁸⁸ ДЛТ – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони). Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017. – Б. 488. Кейинги ўринларда берилган мисоллар мазкур маънадан олинди.

⁸⁹ Edib Ahmed B. Mahmud Yûkneki. Atebetü'l-Hakayık. Reşid Rahmeti Arat. – Ankara. 1992. – S.CXXVI.

б) турмуш қургандан кейинги номлар:

ушбу бўлимда турмуга чиққандан кейин аёллага қўйиладиган исмлар, уларнинг мансаби ҳамда даражасидан келиб чиққан ҳолда қўйиладиган отлар келтирилган.

أُرَاغُوت urağut (урағут) – хотин (ДЛТ,69). Ушбу сўз ҳозирги ўзбек тилида архаик сўздир. Айни шу сўз билан боғлиқ яна бошқа сўз “девон”да учрайди:

Emiglig urağut küsägçi bolur – “Эмизикли хотин иштаҳали бўлади”. Шунинг учун унга истагани берилади (ДЛТ,75). Бу ерда юқорида таъкидланган “урағут” сўзи билан боғлиқ от ишлатилган, яъни “эмизикли хотин” маъносида.

كيس kis (кис) – хотин; anñ kisi – унинг хотини. Бу ерда изофа йўқдир. Баъзилар изофали қилиб, ol kişi aldī (у хотин олди) деб қўллайдилар (ДЛТ,135).

قُدُوز quduz (қудуз) – жувон, хотин (ДЛТ,147).

کیشی kişi (киши) – хотин. Мен буни яғмолар тилида эшитдим; ol kişi aldīmu? – у хотин олдами? демакдир (ДЛТ,401).

يەڭگە yeğä (йенга) – янга. У аканинг хотини (ДЛТ,452). Бу ерда “янга” “келин ойи” маъносида келган.

قۇنچۇي qunčuuy (қунчуй) – саййида [яъни, саййидлардан бўлган] аёл. У xatun дан бир даража куйидир; qatun qunčuuy дейиш шундан (ДЛТ,406). Мазкур сўз жамиятда маълум даражадаги аёлларга нисбатан ишлатилган. “Қунчуй” сўзи қадимги туркий матнларда “малика” маъносида қўлланган.

قَاتۇن qatun (катун) – Afrāsiyāb уруғидан бўлган хотин-қизларнинг унвони (ДЛТ,164). Юқоридаги “қунчуй” унвонидан бир поғона юқори турувчи лавозимдаги аёлларга нисбатан ишлатилади. Қадимда “катун” сўзи “шохнинг аёли” маъносини берган. Бу сўз ҳозирда ўзбек тилида бироз ўзгарган шакл ҳамда маънода қўлланади. Лекин “эр”га нисбатан “хотин” сўзи “аёли” маъносини беради. Мазкур сўз ҳозир урду тилида “малика” маъносида қўлланади.

Айнан “катун” сўзига сифатловчи қўшилиб, бошқа сўзлар ҳам қадимги туркий тилда ишлатилган. Масалан:

اوغلاڭ oğlağū (ўғлағу) – тўқлиқ, мўл-кўлчиликда ўсган киши; oğlağū qatun – саида хотинлар, демакдир (ДЛТ,69).

اەشلەر ešlär (эшлар) – хотин; асли ešilär (хонимлар) демакдир. Бу сўз кўпликдадир, лекин бирликда ҳам қўлланади. Бунинг аталиш воқеаси узоқдир (ДЛТ,60).

اچى ačī (ачи) – кекса хотин. Барсғанликлар тилида (ДЛТ,48). Ҳозирда “ачаси” деган сўз бор. Қари аёлларга нисбатан ишлатилади.

[تۇل tul (тул) – тул] tul urağut – бева хотин (ДЛТ,368). Ушбу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам учрайди.

в) касб-кор билан боғлиқ номлар: ушбу гуруҳга бирор муносабат билан касб-корга эга бўлган аёлларнинг номи киритилган:

مامۇ mamu (маму) – никоҳ кечаси келин билан бирга юбориладиган аёл, янга. Асли бир сўз эмас (ДЛТ,404). Ушбу сўз ҳозирги ўбек тилидаги аканинг хотини “янга”дан вазифасига кўра фарқ қилади. Чунки бу ерда маълум касб англатмоқда.

Бундай маънони беришда қадимги туркий тилда яна бир сўз бўлган: *اَگَات* egät (эгат) – никоҳ кечаси келин ёнида хизмат қилувчи хотин, янга (ДЛТ,35).

قِرْنَاق qırnaq (кирнак) – жория, чўри. Ябақу, қай, чумул, басмил, ўғуз, ямак ва кипчоқлар сўзи (ДЛТ,188). Ушбу сўз ҳозир ўзбек тилида ишлатилмайди.

г) аёлларнинг бирор салбий ёки ижобий хислатини (феъл-атворини) англатувчи сўзлар: қадимги туркий тил лексикасида ҳам ёмон иллатли, салбий маъноли ҳамда ижобий хусусиятга эга аёлларни билдирувчи сўзлар бўлган. Ушбу сўзлар қуйида англатган маъносига кўра (салбийдан ижобийга қараб шаклида) келтирилди. Шулардан бири: *اَکَاک* ekäk (экак) ekäk ešlär – фоҳиша хотинлар (ДЛТ,44).

Юқоридаги каби хислатга эга бўлган аёлларни англатган яна бир сўз бу – *اِرْسَاک* ersäk (эрсак) – эрсак, эрсираган] *ersäk ešlär* – бузук ва адашган хотин. Мақолда (шундай келган): *Ersäk erkä tegmäs, ewäk ewkä tegmäs*. Маъноси: “Эркакка рағбатли, эр учун шошилган хотин эрга ёлчимаиди, шошма-шошар киши уйига етолмайди” (ДЛТ,54).

اَیْوِناش oynaš (ўйнаш) – ўйнаш; бегона киши билан гаплашадиган, юрадиган хотин (ДЛТ,61). Бундай аёллар ҳар қандай жамиятда қораланади.

سُورْتُگ sürtüg (суртуғ) sürtüg ešlär – суйкалувчи ва ишқаланувчи хотин. Суртилиб эшилган ҳар нарсага ҳам sürtüg дейилади. (ДЛТ,189)

اَیْوِناق oynaq (ўйнак) oynaq ešlär – ўйноқи, шўх хотин (ДЛТ,61). Ушбу сўз шўх аёлларга нисбатан ҳам қўлланган.

اَخْشَاغُو oxšağu (ўхшағу) – ўйинчик. Хотинларга ҳам oxšağu дейилади (ДЛТ,69).

تُغْساқ tuğsaq (туғсақ) – бева хотин. Кўпинча *tul-tuğsaq* ҳолида икки сўз қўшалок қўлланади (ДЛТ,186). Ушбу сўз тузилишига кўра *tuğ-* феълидан ясалган. Яъни туға оладиган (лекин турмуш ўртоғи вафот этган) аёл маъносидадир.

اُزُك özök (ўзўк) – хотинлар лақаби; “соф; олтин каби тоза; пок хотин” мазмунида *altun özök* дейдилар. Бадани марварид каби тоза бўлган хотинга *ertini özök* дейдилар. Чунки *erdini* деган сўз дурриғалтон демакдир (ДЛТ,41)

تَارِم tarīm (тарим) – тигинларга (қулликдан подшоликка етишган кишиларга) ва *Afrāsiyāb* авлодидан бўлган хотин ва бошқаларга, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, *tarīm* сўзи ишлатилади. Хоқония подшоларидан бошқалар қанча катта бўлсалар ҳам, бу сўз уларга нисбатан ишлатилмайди. Подшо хотинларининг лақаби ўрнида *altun tarīm* сўзи ишлатилади (ДЛТ,159).

Сўнгги келтирилган икки сўз (ўзўк ва тарим) аёлларнинг ижобий сифатини англатади.

Хулоса

Умуман олганда, юқорида келтирилган сўзлар қадимги туркий тилда қўлланилган аёлларнинг турли вазиятларда ишлатиладиган отлари бўлиб, улар ўз замонида қўлланган сўзларнинг бир қисминигина ташкил этади. Чунки мақоламизнинг бошида таъкидлаб ўтганимиздек, барча сўзлар “девон”га киритилмаган. Мазкур сўзларни

тахлил этиш ҳамда ўрганиш тилимизда мавжуд сўзларнинг этимологияси, уларнинг келиб чиқиши ҳамда маъноларини чуқур билишга ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони). Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017. – Б. 488.
2. Edib Ahmed B. Mahmud Yükneki. Atebetü'l-Hakayık. Reşid Rahmeti Arat. – Ankara. 1992. – S. 163+CLXXIII.